

## УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБ – ҲУНАР ВА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

**Бахриддинов Нурали**

Самаркандда давлат чет тиллар институти уқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7437803>

**Аннотация.** Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактаблари, ўқувчиларини касб – ҳунар ва профессионал таълим масканларига йўналтиришнинг самарали йўллари ва истиқболлари кўрсатиб ўтилган шунингдек узлуксиз таълим тизимида шахс камолоти замон талабларига мос рақобатбардош кадрларни тайёрлаш таълим ислохотларидаги муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

**Калим сўзлар:** умумий ўрта таълим, ўқувчилар, педагог, касб-ҳунар таълими.

## ЭФФЕКТИВНЫЕ ПУТИ НАПРАВЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ В ЦЕНТРЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ

**Аннотация.** В данной статье показаны эффективные пути и перспективы направления учащихся в общеобразовательные школы, центры профессионального и профессионального обучения, а личностное развитие в системе непрерывного образования является важной задачей реформы образования.

**Ключевые слова:** общее среднее образование, учащиеся, педагог, профессиональное образование.

## EFFECTIVE WAYS TO REFER STUDENTS OF GENERAL EDUCATION SCHOOLS TO VOCATIONAL TRAINING CENTERS

**Abstract.** In this article, the effective ways and prospects of directing students to general secondary schools, vocational and professional training centers are shown. In the continuous education system, personal development is an important task in education reforms.

**Keywords:** general secondary education, students, teacher, vocational education,

Бу борада президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2019 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2020 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган маърузасида мактаб битирувчиларини касб-ҳунар таълими билан тўлақонли қамраб олинишини назарда тутган ҳолда, уларни ўқишга қабул қилишни тегишли равишда тартибга солиш; ўқитувчилар таркибини тайёрлаш сифати ва уларнинг малакасини ошириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиш; касб-ҳунар коллежларини тамомлаб чиқаётган битирувчиларни ишга жойлаштириш каби масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Дарҳақиқат, умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда узвийликни таъминлаш биргина таълим муассасаларининг иши билан чекланиб қолмаслиги, бунда, ота-она, маҳалла, корхона ва иш берувчиларнинг иштирокини комплекс қаратиш ҳамда меҳнат бозорида кичик мутахассисларга бўлган талаб, эҳтиёжларини инобатга олувчи мониторингига асосланган мақсадли Дастур ишлаб чиқиш лозимлигини англаш мумкин.

Бу жараёнда мактаб битирувчиларининг 9-синф битирувчиларини тўлақонли қамраб олишда касбга йўналтириш ишларининг мазмуни нимадан иборат? Таълим

муассасасида касбга йўналтириш ишларининг мазмуни- ўқувчи шахсини ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат шароитларига тайёрлаш, касб-ҳунар билан таништириши, ижтимоий фойдали ва унумли меҳнатга жалб қилиши, бу соҳада тизимлаштирилган билимларни шакллантириши, касблар дунёсидан йўналиш ола билишини, аниқ касб-ҳунарга қизиқишини, ҳаёт йўлини тўғри танлашни, касбий мослашувни таъминловчи тадбирлар ва амаллар мажмуасидан иборатдир.

Шунга мувофиқ касб-ҳунар коллежларида касбга йўналтириш ишларини ташкил этиш қўйидаги жараёнларга асосланади:

- авалло таълим муассасаларида фаолият юритувчи педагог, психологларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг мазмун моҳияти, мақсади ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар доирасида педагогик жамоада тушунтириш ишларини олиб бориш;
- умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларни касбга йўналтиришда узвийликни таъминлаш жараёнларини ташкил этиш;
- касб-ҳунар коллежининг мутахассислик йўналишлари ҳақида касбий ахборот беришда махсус касб-ҳунарга йўналтириш хонасини ташкил этиш ва бу хонага амалиётчи психологни масъул қилиб тайинлаш;
- касб-ҳунарга йўналтириш тадбирлари “Очиқ эшиклар куни”, “Касблар фестивали”, “Экскурсия”, Касб фаҳрийлари билан учрашув каби тадбирларни ўтказиш жараёнларини амалга ошириш касбга йўналтириш ишларини муҳим шарт бўлиб ҳисобланади.

Демак, касб-ҳунар коллежлари умумтаълим мактаб ўқувчиларини касбга йўналтиришда қўйидаги икки босқич асосида ёндашишлари мақсадга мувофиқ:

**1. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда назарий билимлар асосида ёндашиш;**

**2. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда амалий билимлар асосида ёндашиш**

### Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда назарий билимлар асосида ёндашиш

Бунда, касб – ҳунар коллежнинг педагог, психологлардан умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари билан қўйидаги касбга йўналтириш ишларини ташкил этиш жараёнларини амалга ошириш назарда тутилади:

- касб – ҳунар таълим муассаса ўзининг мутахассислик йўналишлари ва унинг имкониятлари, меҳнат бозоридаги ўрни ҳақида маълумотлар бериш;
- касб – ҳунар мактабининг мутахассислик йўналишлари ва унинг имкониятлари тўғрисида ҳикоя қилувчи кинофильмлар намойиши ҳамда турли кўргазмалар фотоальбом, стендлар, плакатлар асосида ўқувчиларга маълумотлар бериш;
- Касбга йўналтириш жараёнларига хизмат қилишда психологик-педагогик ташхис методикалар ўтказиш;
- Касбга йўналтиришда ўқувчи шахсининг психофизиологик хусусиятларини инобатга олиш асосида ёндашиш;
- Касб – ҳунар мактабининг мутахассислик йўналишларини танлашда касбий маҳорат, касбий қобилият асосида касб идеалини шакллантириш;

- Касб-хунарга йўналтиришда меҳнат интизоми, меҳнат хавфсизлиги тўғрисида маълумот бериш;
- Умумтаълим мактаблари ва касб – хунар мактаби ҳамкорлигида ўқувчиларни касбий қизиқишлари, мойилиги, қобилиятларини аниқлашда ижтимоий сўровномалар ўтказиш ва уларни таҳлил қилиш каби жараёнлар асосида ёндашиш талаб этилади.

### Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда амалий билимлар асосида ёндашиш

Бунда, касб – хунар мактабини педагог, психологларида ўқувчиларнинг касбга йўналтириш жараёнларига қаратилган назарий билимларини касбга йўналтириш тадбирлар асосида амалий билимларини шакллантириш назарда тутилади:

- Касб – хунар мактабида “Очиқ эшиклар куни”, “Касблар фестивали” каби касбга йўналтириш тадбирларини ташкил этиш;
- Касб фахрийлари билан учрашувлар ўтказиш;
- Мутахассислик йўналишларига асосланган корхона ва ташкилотларга экскурсияларни ташкил этиш;
- Касб – хунар мактабларида айрим касбларга бағишланган мавзули кечаларга умумтаълим мактаб ўқувчиларини таклиф этиб бориш;
- Умумтаълим мактабнинг меҳнат таълими ва биология, химия фанларини касб-хунар мактабининг ўқув устахоналари, биология ва химия хоналарида дарс жараёнларини ташкил этиш асосида ёндашишни талаб этади.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда тўпланган психологик-педагогик тажриба натижалари, назарий ва амалий билим хулосалари асосида уларда касбга қизиқишнинг асосий шаклланиш йўллари аниқлаш лозим:

1. Ўқувчиларга индивидуал (якка) ёндашувни қўллаш;
2. Танланган касбга айнан ўхшаш тасаввурни туғдириш;
3. Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;
4. Ўқувчиларда ўз-ўзини билишни кучайтириш;
5. Хақиқий касбий кадриятларни шакллантириш;
6. Касб идеалини шакллантириш.

Юқорида келтирилган касб-хунарга йўналтириш ишларини амалий психолог томонидан мақсадли режа асосида ташкил этилганлиги умумтаълим мактаблари ва касб-хунар мактабларда ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларида узвийликни таъминлабгина қолмай, бунда таълим муассасада фаолият юритувчи педагогларни ҳам бевосита жалб қилишда ҳамда ўқувчиларни танлаган мутахассислик йўналишларига ижтимоий касбий мослашувига самарали таъсир этади.

## REFERENCES

1. Ш.Мирзиёев “Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистонни биргаликда курамуз” –Т.: “Ўзбекистон”, 2020
2. Ш.Мирзиёев “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик ” –Т.: “Ўзбекистон”, 2021
3. Р.Х Жўраев, Ў.Қ.Толипов, Ш.С.Шарипов Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришнинг илмий-педагогик асослари Тошкент-2004 120 бет ЎЗ.Рес.фан.академияси “Фан” нашриёти
4. Ismailovich A. S. PROBLEMS OF IMPROVING PSYCHOLOGY OF HEALTHY LIFESTYLE OF UZBEK FAMILY //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 1. – С. 313-318.
5. Saidov A. SOCIAL PSYCHOLOGICAL SIGNIFICANCE OF THE FORMATION OF A CULTURE OF A HEALTHY LIFESTYLE IN THE FAMILY //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. B7. – С. 867-871.
6. Sharifjon To'lqin o'g A. et al. TA'LIM-TARBIYA TIZIMI VA O'QITUVCHILAR FAOLIYATIDA PSIXOLOGIK XIZMATNING AHAMIYATI //MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH. – 2022. – Т. 1. – №. 11. – С. 57-60.
7. Azamat, S. (2022). On The Basis Of National Values To Raise A Healthy Generation In The Family. *Journal of Positive School Psychology*, 6(10), 2417-2420.
8. Ismailovich S. A. Socio-Psychological Problems of Educating an Independent-Minded, Creative Person in the Educational Process //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE. – 2021. – Т. 2. – №. 12. – С. 4-7.
9. Саидов А., Джураев Р. Баркамол авлодни тарбиялаш-соғлом турмуш тарзини шакллантиришда спортнинг ўрни //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 203-208.
10. Саидов А. pedagogik mahorat: ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш устувор вазифа сифатида //центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.
11. Саидов А. СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2021. – Т. 1. – №. Special issue. – С. 262-266.
12. Саидов А., Джураев Р. Воспитание гармоничного поколения–роль спорта в формировании здорового образа жизни //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 203-208.
13. Saidov A. Historical roots of formation of healthy lifestyle culture psychology in the family //International Journal of Pharmaceutical Research. – 2020. – Т. 12. – №. 4. – С. 628-630.
14. Ismoilovich, S. A. SOCIO-PSYCHOLOGICAL PROBLEMS OF THE FORMATION OF THE PSYCHOLOGY OF A HEALTHY LIFESTYLE OF FAMILIES
15. Saidov A., Avulkhairov F., Razakov F. SCIENTIFIC AND THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE PROBLEM OF THE FORMATION IN THE FAMILY OF PERCEPTIONS OF A HEALTHY LIFESTYLE OF YOUNG PEOPLE AND THE STATE OF ITS STUDY //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. B7. – С. 1432-1436

16. Axmedov, A. (2022). The negative effect of internet gambling on youth psychology. *AsianJournalof Multidimensional Research*, 11(5), 76-79
17. Diyorugli, A. A. (2022). The negative effect of public culture on youth consciousness and its social psychological features. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(5), 289-291.
18. Ugli, AkhmedovA. D., et al. "Depressive Behavior in Sports Competitions and Their Characteristics of Will-sustainability." *JournalNX*, vol. 6, no. 04, 2020,pp. 50-53
19. Axmedov, A. (2022). OMMAVIY MADANIYATNING YOSHLAR ONGIGA SALBIY TA'SIRI VA UNING IJTIMOY PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. *Science and innovation*, 1(B7), 1115-1118.